

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD. 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎЛАКОВ НУРИЛЛА ҚОСИМОВИЧ

**ФЕРРОЦЕНКАРБОН КИСЛОТАНИНГ АЙРИМ ҲОСИЛАЛАРИ
СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тўлаков Нурилла Қосимович

Ферроценкарбон кислотанинг айрим ҳосилалари синтези ва уларни
синфлаш 3

Тўлаков Нурилла Қосимович

Синтез некоторых производных ферроценкарбоновой кислоты и их
классификация 21

Tulakov Nurulla Kosimovich

Synthesis of some derivatives of ferrocene carboxylic acid and their
classification..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎЛАКОВ НУРИЛЛА ҚОСИМОВИЧ

**ФЕРРОЦЕНКАРБОН КИСЛОТАНИНГ АЙРИМ ҲОСИЛАЛАРИ
СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида _____ рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асқаров Иброҳим Раҳмонович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримкулов Қурбонқул Мавлонкулович
техника фанлари доктори, профессор

Деҳқонов Раҳматилла Султонович
кимё фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.K.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч. 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91 e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Хўжаев В.У.

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
раиси, к.ф.д.

Мамажонов Ш.А.

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, пед.ф.н., доцент.

Абдугафуров И.А.

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, к.ф.д.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Иқлим ўзгариши натижасида экинларни етиштириш борасида бир қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Қишлоқ хўжалигида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этувчи биостимуляторлардан самарали фойдаланиш ушбу муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратади. Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган янги биологик фаол моддаларни синтез қилиш, уларни амалиётга тадбиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этадиган кимёвий бирикмаларни синтез қилиш, уларнинг таъсир доираларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса мавжуд хом ашёлардан унумли фойдаланган ҳолда бирикмалар синтезини амалга ошириш лозим эканлигини кўрсатади. Айниқса, таркибида кобальт, марганец, темир, мис, рух каби микроэлементлар тутган бирикмалар асосида биостимуляторларнинг янги турларини синтез қилиш, уларнинг биологик фаоллигини кимёвий ва биологик жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ферроценкарбон кислота асосида қишлоқ хўжалиги экинлари учун янги биологик фаол бирикмалар синтез қилиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кимёвий препаратлар синтези бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, экинлар ҳосилдорлигини оширувчи ва зараркунандаларга қарши курашишда фойдаланиладиган препаратлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ферроценкарбон кислота асосида биостимуляторларнинг янги авлодини синтез қилиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тегишли код рақамларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ферроцен дастлаб Посон ва Кили томонидан 1951 йилда синтез қилинган. Ферроценга хос бўлган ноёб физик-кимёвий хоссалар кейинчалик олимларни ўзига жалб этиб, АҚШ, Англия, Россия, Япония каби давлатларда чуқур изланишлар олиб борилди.

Россиянинг Элементоорганик бирикмалар кимёси илмий тадқиқот институтида (ИНЭОС) А.Н.Несмеянов, В.А.Сазонова, Н.С.Кочеткова, Ломоносов номидаги Москва давлат университетидан Э.Г.Перевалова, М.Д.Решетова, АҚШда Р.Вудворд, Д.Уайтинг, Англияда Д.Уилкинсон, Германияда Г.Шмитт, С.Озман, Э.Фишер, С.А.Шлөгль, Югославияда М.Лакан, В.Рапис, Японияда Т. Кондо, Италияда С.Калур, С.Тома каби олимлар ферроценнинг турли ҳосилаларини синтез қилдилар.

Ўзбекистонда ферроцен кимёси бўйича А.Ф.Махсумов, И.Р.Асқаров ва бошқа олимлар томонидан диққатга сазовор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Ферроценнинг сувда эрувчан ва ароматик ҳосилалари синтези асосида олинган биологик фаол моддалар ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда келтирилган, аммо таркибида ферроценкарбон кислота сакловчи ароматик бирикмалар ва уларнинг сувда эрувчан ҳосилалари синтези нисбатан кам ўрганилган бўлиб, улар кимёвий таркиби бўйича товарлар номенклатурасида синфларга ажратилмаган.

Мазкур диссертация иши ферроценкарбон кислотанинг сувда эрувчан ва ароматик ҳосилалари синтезини амалга ошириш, хоссаларини физик-кимёвий усуллар ёрдамида ўрганиш, олинган бирикмалар биостимулятор хоссалари тадқиқ этилган ҳолда кимёвий таркиби асосида синфлашни, ТИФ ТН бўйича тегишли код рақамлари бериш, ферроцен ҳосилалари тутувчи товарлар учун тавсия этилган код рақамларини амалиётга жорий этиш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ферроцен ва унинг ҳосилалари асосида синтез қилинган биологик фаол моддалар, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ацетилферроцен ва ферроценкарбон кислотани олиш усулларини такомиллаштириш, ферроценкарбон кислотанинг айрим биологик фаол ҳосилалари синтези ва уларнинг кимёвий таркиби асосида синфлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ацетилферроцен олиш усулини такомиллаштириш;
ферроценкарбон кислота олишнинг янги усулини ишлаб чиқиш;
ферроценкарбон кислотани *n*-аминофенол билан diaзотирлаш реакцияси асосида ароматик ҳосилалари синтезини амалга ошириш;

ферроценкарбон кислота ва *o*-карбоксибензоилферроценнинг айрим сувда эрувчан ҳосилаларини синтез қилиш ва уларни ажратиб олиш;

синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, таркиби ва тузилишини таҳлил қилиш;

синтез қилинган бирикмалар орасидан биологик фаоллиги юқори бўлганларини аниқлаш ҳамда биологик фаоллиги исботланган бирикмаларни лаборатория ва дала амалиёти синовларидан ўтказиш;

ферроценкарбон кислота ва ферроценнинг сувда эрувчан ароматик ҳосилаларининг кимёвий таркибига асосланган ҳолда Ҳалқаро иқтисодий муносабатларда қўлланиладиган товар кодларини амалиётда фойдаланиш учун тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ферроцен, ацетилферроцен, ферроценкарбон кислота ва уларнинг сувда эрувчан ҳосилалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ферроценкарбон кислота ҳосилалари асосида биологик фаол моддалар синтезини амалга ошириш ва уларни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида синтез, анализ, препаратив кимё, хроматография, ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия, атом-абсорбцион спектрофотометрия ҳамда биологик фаолликни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ацетилферроценни олиш усули такомиллаштирилган;

ферроценкарбон кислота олишнинг янги усули ишлаб чиқилган;

илк бор ферроценкарбон кислотани diaзотирлаш реакцияси асосида 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислота ҳосил бўлиши аниқланган;

ферроценкарбон кислота ва ферроценнинг сувда эрувчан ароматик кислоталари асосида янги биологик фаол бирикмалар синтез қилиниб, ғўза чигитининг унувчанлиги ва униш энергиясига ижобий таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўза чигитининг униш энергияси, унувчанлиги ва ҳосилдорлигини оширишга ёрдам берувчи “МАКСИТ-1” биостимулятори яратилган;

ферроценкарбон кислота ва ферроценнинг сувда эрувчан ароматик ҳосилаларини кимёвий таркиби асосида синфлаб, уларга янги товар код рақамлари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган моддалар юпқа қатламли ва колонкали хроматография усуллари ёрдамида ажратиб олиниб, элемент анализи, ИҚ-спектроскопик, масс-спектрометрик ва атом-абсорбцион спектрофотометрик усуллари асосида таркиби ва тузилиши аниқланганлиги, уларнинг биологик

фаолликлари тасдиқланганлиги, илмий тадқиқот ишлари натижалари математик-статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги, амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ацетилферроценни олиш усули такомиллаштирилган, ферроценкарбон кислота олишнинг янги усули ишлаб чиқилган, ферроценкарбон кислотанинг сувда эрувчан айрим ҳосилалари синтез қилинган, диазотирлаш реакцияси асосида 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези усули таклиф этилган, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, айримларининг биологик фаоллиги тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ферроценкарбон кислота асосида қишлоқ хўжалиги экинлари учун биостимулятор хоссасига эга янги биологик фаол ҳосилалари синтез қилинган, ферроценкарбон кислотасининг айрим ҳосилалари учун ТИФ ТН бўйича тегишли код рақамлари тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ферроценкарбон кислотанинг айрим ҳосилалари синтези ва уларни синфлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

“Ёўзани ўстирувчи стимулятор” номли ферроценнинг ароматик ҳосилалари асосида синтез қилинган биостимуляторга Ёзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан (№IAP 05099) ихтирога патент берилган. Натижада ёўзани ўстирувчи стимулятор сифатида қўллаш имконини берган;

ферроценкарбон кислота асосида синтез қилинган “МАКСИТ-1” биостимуляторини қўллаш технологияси Андижон вилоятида жами 160 гектардан ортиқ ёўза майдонларига жорий этилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 4 апрелдаги № 05/05–50-сон маълумотномаси). Натижада биостимулятор билан ишлов берилган ёўза майдонларида гектаридан қўшимча 4-5,5 ц ҳосил олиш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича ферроценкарбон кислотани сувда эрувчан биологик фаол-стимулятор хоссасига эга ҳосилалари учун 3808939001 код рақами, ферроценнинг сувда эрувчан ароматик ҳосилалари учун 3808939002 код рақами давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ёзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 06 январдаги 1/16-9-сон маълумотномаси). Натижада ферроценкарбон кислота ва ферроценнинг сувда эрувчан ароматик ҳосилаларини кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ёзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 22 та жадвал, 9 та расм, 1 та диаграмма ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ферроцен, ацетилферроцен, ферроценнинг кислоталари ва уларнинг ҳосилалари ҳамда товарлар кимёси (адабиётлар таҳлили)**» деб номланган биринчи бобида ферроцен ва ацетилферроцен ва ферроценнинг ароматик ҳосилалари устида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритиб берилган. Ушбу бирикмаларнинг реакция тенгламалари ва шароитлари, кимёвий хоссалари, ишлатилиш соҳалари ҳамда аҳамияти, товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш, уйғунлашган тизим ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ферроцен ва ацетилферроцен асосида ферроценкарбон кислота ҳосилалари синтези ва уларни синфлаш (олинган натижалар муҳокамаси)**» деб номланган иккинчи бобида ацетилферроценни олиниш усулини такомиллаштириш, ферроценкарбон кислота олишнинг янги усулини ишлаб чиқиш, ферроценкарбон кислотани сувда эрувчан ҳосилалари ҳамда о-карбоксібензоилферроценнинг калийли тузи синтези, синтез қилинган бирикмаларнинг айрим физик-кимёвий хоссалари, таркиби ҳамда тузилишини таҳлил қилиш ва уларнинг биостимуляторлик хусусиятларини ўрганиш, биологик фаол бирикмаларни лаборатория ва дала амалиёти синовларидан ўтказиш, ферроценкарбон кислота ва ферроценнинг айрим сувда эрувчан ҳосилалари учун ТИФ ТН бўйича код рақамлари таклиф этиш бўйича олинган натижалар муҳокама қилинди.

Ацетилферроцен синтези. Ферроценнинг сирка ангидриди билан реакцияси қуйидаги схема бўйича олиб борилди:



Ҳосил бўлган аралашмадаги моддалар колонкали хроматография усулида бир-биридан ажратилди. Олинган ацетилферроценнинг унуми 80 % ни ташкил этди. Ацетилферроцен тузилишини ИҚ-спектрнинг 1101, 1005 см⁻¹ даги ютилиш чизиқлари ферроцен қолдиғида алмашинмаган циклопентадиенил ҳалқасига, 1662, 1652 см⁻¹ даги ютилиш чизиқлари ацетил гуруҳдаги >C=O боғга тегишли эканлиги реакция натижасида ацетилферроцен ҳосил бўлганлигини тасдиқлайди

1-жадвал

Ацетилферроценнинг айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари


Бирикма	Унум, %	Тс. °С	R _f (система)	ИҚ-спектрда ютилиш соҳаси, см ⁻¹		Топилди, %	Ҳисобланди %
				Fc	>C=O		
FcAc	80	86-87	0,57 (A) 0,44 (B)	1101,1005	1662, 1652	24,56	24,49

Система: ацетон-бензол 3:1 (A), петролей эфир-бензол 1:1 (B).

Ацетилферроцен синтезини амалга ошириш ҳамда реакциялар учун ишлатилган хом ашёлар ва олинган бирикмаларнинг электрон тузилиши аввал квант кимёвий ҳисоблашлар орқали аниқланди. Ҳисоблашлар Gaussian-98W программасининг DFT/B3LYP методи 3-21G базаси бўйича амалга оширилди. Биз ферроценни сирка ангидриди билан олиниш усулини такомиллаштириб, адабиётларда келтирилган усуллардан фарқли ўлароқ, температурани 4-5 °С, вақтни 5 минут ва катализатор миқдорини 1,5 баробарга ошириш натижасида реакция унумини 5% га оширишга эришдик.

Ферроценкарбон кислота синтези. Олинган ферроценкарбон кислотанинг тузилиши ИҚ спектроскопия усули ёрдамида ўрганилди. ИҚ спектрнинг 3378 см⁻¹ соҳасида карбоксил гуруҳлардаги эркин –ОН гуруҳларга хос, 3098 см⁻¹ соҳада эса водород боғлари орқали боғланган –ОН гуруҳига хос ютилиш кузатилди. Шунингдек, спектрнинг 1625, 1393 см⁻¹ соҳаларида карбоксил гуруҳдаги карбонил гуруҳларнинг асимметрик ва симметрик тебранишларига оид ютилиш чизиқлари мавжуд. Спектрнинг 1105 ва 1000 см⁻¹ соҳаларида ютилишлар, ферроцен молекуласининг фақат биргина ҳалқасида ўринбосар мавжудлигини кўрсатади.

Реакция схемаси қуйидагича:




**Ферроценкарбон кислотанинг айрим физик-кимёвий
кўрсаткичлари**

Бирикма	Унуми, %	Тс. °С	ИҚ-спектр, см ⁻¹		Топилди, %	Ҳисобланди, %
			Fe	Бошқа частоталар (ν)	Fe	Fe
FeCOOH	80	208-210	1105,1000	3378, 3098(-OH), 1625(-COO ⁻), 1393(-COO ⁻)	24,28	23,96

Ферроценкарбон кислотани янги такомиллаштирилган усулда синтез қилишнинг афзаллиги адабиётларда келтирилган усулларга нисбатан кам вақт сарфланиши ва маҳсулот унуми 1,5 баробар оширилиши билан изоҳланади.

Ферроценкарбон кислотанинг сувда эрувчан тузлари.

Ферроценкарбон кислотанинг сувда эрувчан Li, Na, K тузлари бир неча хил усуллар ёрдамида синтез қилинди. Биз ферроценкарбон кислотани Li, Na ва K гидрокарбонат тузлари эритмаларида эритиш йўли билан тегишли тузлар олишга эришдик:




Калий ферроценилкарбоксилатнинг ИҚ спектрида 1106 ва 1003 см⁻¹ соҳаларда ютилишлар чизиклари мавжуд бўлиб, бу ферроцен молекуласининг фақат биргина ҳалқасида ўринбосар мавжудлигини кўрсатади. Ферроценкарбон кислотасидаги каби қатор ютилишлар кузатилди ва шу билан бирга 1655, 1563 см⁻¹ соҳаларда карбоксил гуруҳидаги карбонил гуруҳига хос ютилишлар кузатилди. Бундан келиб чиқиб, молекулада –COO⁻ гуруҳи мавжуд деган хулосага келдик. Литий ва натрий ферроценилкарбоксилатнинг ИҚ спектри айрим ютилиш чизиклари тўғрисида маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Ферроценкарбон кислотасининг калийли тузи ўсимлик танасида темир микроэлементи камайиб кетиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган “Хлороз” касаллигининг олдини олиш, уруғнинг эртароқ униб чиқиши ва ҳосил эрта пишиб етилиши ва юқори ҳосил олинишга хизмат қилиши мумкин.

Ферроценкарбон кислотасининг литийли, натрийли ва калийли тузларининг айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари

Бирикма	Унум, %	Тс. °С	ИҚ-спектрада ютилиш соҳаси, см ⁻¹		Топилди, %	Ҳисобланди, %
			Fc	ν (-COO ⁻)		
FcCOOLi	82	274-275	1105, 1000	1650, 1582	24,87	23,67
FcCOONa	88	281-282	1108, 1002	1649, 1530	22,78	22,16
FcCOOK	89	284-285	1105, 1003	1655, 1563	21,65	20,83


Олинган тузнинг таркибида калийнинг мавжудлиги натрий гексанитритокобальтатдан фойдаланиб аниқланди.



1'-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези. Ферроцен кар-бон кислотани *n*-аминофенол ёрдамида ариллаш реакцияси сувли ва турли хил эритувчилардан иборат муҳитда диазотирлаш усули билан амалга оширилди. Тажрибаларда 1'-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислота унумига ижобий таъсир кўрсатувчи эритувчилар диэтилэфир ва этилацетат эканлиги аниқланди. 1'-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислота унумига органик эритувчилар таъсири куйидаги қатор бўйича камайиб бориши кузатилди.

Диэтил эфир>этилацетат>хлороформ>петролей эфир> бензол > гексан >гептан

Олинган натижаларга кўра реакция куйидаги схема бўйича боради деб ҳисоблаймиз:



Модданинг эрувчанлиги ўрганилганда қуйидаги тартибда эканлиги аниқланди.

Ацетон>хлороформ>диоксан>диэтилэфир>этилспирт>гептан>гексан.

Реакция маҳсулотининг индивидуаллиги юпка қатламли хроматография усули билан текширилди. 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислота ИҚ спектрнинг 1159 ва 1030 см⁻¹ соҳаларидаги ютилиш чизиқлари гетероаннуляр диалмашинган ферроценил гуруҳига мансуб, 3426 см⁻¹ даги кучсиз ютилиш чизиғи димер ҳолатидаги –ОН гуруҳларга хос, 2625, 2880 см⁻¹ соҳалардаги ютилиш чизиқлари карбоксил гуруҳнинг –ОН гуруҳига тегишли, спектрнинг 834 см⁻¹ соҳасида 1,4-диалмашинган бензол ҳалқасининг деформацион тебранишларига хос ютилиш чизиғи, шунингдек, 1655 см⁻¹ соҳасида –COOH нинг >C=O гуруҳи тебранишларига тегишли ютилиш чизиқлари мавжудлигидан далолат беради


4-жадвал

1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислотанинг айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари

Бирикма	Унум, %	Тс. °С	R _f (система)	ИҚ-спектрада ютилиш соҳаси, см ⁻¹		Топилди, %	Ҳисобланди, %
				Fe	Бошқа частоталар		
C ₁₇ H ₁₄ FeO ₃	60	204-205	0,35(A), 0,52(B)	1159, 1030	3426 (-OH), 2880, 2625 (-OH) 1655 (>C=O), 834 (-C ₆ H ₄)	18,54	17,34


Система: диоксан-этил спирт 2:1 (A), хлороформ-гептан 1:3 (B).

Олинган ИҚ-спектр маълумотлари масс-спектрометрия таҳлили натижалари билан ҳам тасдиқланади. Масс-спектрада ҳосил бўлган ионларнинг тузилиши ва уларнинг *m/z* қийматлари қуйидаги схемада келтирилган.



1`-(*n*-оксифенил)-ферроценкарбон кислотанинг Li, Na, K тузлари синтези. Синтез қилинган 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислотаси сувда жуда кам эрувчан моддадир. Унинг Li, Na ва K ли моно – ва диалмашинган ҳосилалари сувда яхши эрийди. Моноалмашинган тузларни олиш учун дастлаб олинган 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислотасига металлларнинг гидрокарбонат тузлари билан ўзаро таъсир эттирилди. Реакциялар сувли мухитда, реагентлар нисбати 1:1 бўлган ҳолатда 20-30 °С да қиздириш билан олиб борилди. Реакция маҳсулотлари реакция аралашманинг 10-20 °С гача совиши жараёнида ёки ацетон устига қуйиш орқали чўкмага туширилди. Олинган моддалар орасида энг юқори унум натрийли ҳосилда кузатилди (5-жадвал).

Синтез қуйидаги схема бўйича олиб борилди:



1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислотанинг литийли тузи ИҚ спектрнинг 1191 ва 1027 см⁻¹ соҳаларидаги ютилиш чизиқлари гетероаннуляр диалмашинган ферроценил гуруҳига мансуб, 3418 см⁻¹ даги кучсиз ютилиш чизиғи димер ҳолатидаги –ОН гуруҳларга хос, спектрнинг 816 см⁻¹ соҳасида 1,4-алмашинган бензол ҳалқасининг деформацион тебранишларига хос ютилиш чизиғи, шунингдек, 1561 см⁻¹ соҳасида –COO⁻ нинг карбонил гуруҳи тебранишларига тегишли ютилиш чизиқлари мавжудлигидан далолат беради.


5-жадвал

1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислотанинг бир алмашинган литийли, натрийли ва калийли тузларининг айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари

Бирикма	Унум, %	Тс. °С	ИҚ-спектрада ютилиш соҳаси, см ⁻¹		Топилди, %	Ҳисобланди, %
			Fc	Бошқа частоталар		
C ₁₇ H ₁₃ FeLiO ₃	79	279-280	1191, 1027	3418(-ОН), 1561(>C=O), 816 (-C ₆ H ₄)	17,94	17,02
C ₁₇ H ₁₃ FeNaO ₃	82	284-285	1186, 1025	3412(-ОН), 1655(>C=O), 814 (-C ₆ H ₄)	17,54	16,23
C ₁₇ H ₁₃ FeKO ₃	80,5	289-290	1125, 1025	3370(-ОН), 1635(>C=O), 817 (-C ₆ H ₄)	16,34	15,50

1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислотани сувда эрувчан диалмашинган Li, Na, K тузларини олиш учун кислотага тегишли ишқор эритмалари таъсир эттирилиб синтез қилинди. Реакциялар сувли муҳитда, реагентлар нисбати 1:2 бўлган ҳолатда 70-80 °С да қиздириш билан олиб борилди. Реакция маҳсулотлари реакция аралашманинг 20-25 °С гача совиши жараёнида ёки ацетон устига қуйиш орқали чўкмага туширилди. Олинган моддалардан энг юқори унум билан натрийли туз ҳосил бўлди (6- жадвал).

Умумий тарзда синтез қуйидаги схема бўйича олиб борилди.



M - Li, Na, K

6-жадвал

1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислотанинг икки алмашинган литийли, натрийли ва калийли тузларининг айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари


Бирикма	Унум, %	Тс. °С	ИҚ-спектрда ютилиш соҳаси, см ⁻¹		Топилди, %	Ҳисобланди, %
			Fc	Бошқа частоталар		
C ₁₇ H ₁₂ FeLi ₂ O ₃	80	>300	1155, 1047	1590, 1560 (>C=O, -COO ⁻)	17,08	16,72
C ₁₇ H ₁₂ FeNa ₂ O ₃	86	>300	1142, 1033	1600, 1550 (>C=O, -COO ⁻)	15,74	15,25
C ₁₇ H ₁₂ FeK ₂ O ₃	85	>300	1130, 1031	1600, 1590 (>C=O, -COO ⁻)	15,04	14,02

Олинган кислоталарни ацидиметрик титрлаш. Ферроценкарбон ва 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислоталарнинг эквивалент массалари кислота-асосли титрлаш йўли билан аниқланди. Текширилаётган кислоталар сувда ёмон эриганлиги учун титрлаш спирт муҳитида ўтказилди. Титрлаш учун 0,2 н ли HCl эритмасида стандартланган LiOH, NaOH, KOH ларнинг спиртдаги эритмаларидан фойдаланилди. Титрлашнинг эквивалент нуқтаси ферроценкарбон кислотада рН=9,5 га, 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислотада рН=9,3 ва рН=10,7 га тенг бўлди.

Ферроценкарбон ва 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислоталарнинг тажрибада топилган эквивалент массалари уларнинг ҳисобланган эквивалент массаларига (229,932 г/эқв ва 160,836 г/эқв мос равишда) яқин эканлигини кўрсатди.

Титрлаш хатолиги ферроценкарбон кислота учун 1,5 % ни, 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислота учун 1,08 % дан ошмайди.

***o*-Карбоксибензоил ферроценнинг калийли тузи синтези.** Реакция куйидаги схема бўйича олиб борилди.



ИҚ-спектрда 1686, 1660 cm^{-1} соҳасида карбонил гуруҳ валент тебранишга хос иккита интенсив чизиқ мавжуд. Бундан биринчиси бензоил гуруҳ кетони, иккинчиси эса карбоксил гуруҳ карбонилига тегишли. 1105 ва 1005 cm^{-1} соҳада ютилиш чизиқлари молекулада алмашинмаган циклопентадиенил халқаси мавжудлигидан далолат беради.

Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги лаборатория шароитида Андижон давлат университети “Товарлар кимёси” илмий тадқиқот лабораториясида (7-жадвал) Калининвич усулида, Андижон вилояти “Давуруғназоратмаркази”да (8-жадвал) лаборатория синовларидан ўтказилди.

o-Карбоксибензоилферроценнинг калийли тузи, ферроценкарбон ва 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислоталарнинг сувда эрувчан литийли, натрийли, калийли тузлари орасидан биостимуляторлик хоссасини намоён қилиши мумкин бўлганларини ажратиб олиш учун моддаларнинг 0,01; 0,001 ва 0,0001 фоизли сувли эритмаларидан фойдаланилди. Чигитнинг униш энергиясига ва унувчанлигига эритмаларнинг таъсири лаборатория шароитида текширилди. Эталон сифатида Россияда ишлаб чиқарилган МИВАЛ ва қахрабо кислоталарининг 0,0001 фоизли эритмалари ва назорат учун дистилланган сувга таққослаб ўрганилди. Ҳар бир эритманинг биологик фаоллигини акс эттирувчи ўртача натижа 5 та (100 донадан чигит) параллел тажрибалар асосида олинди. Экспериментнинг стандарт четланиши ва 95 фоизли ишонччилик чегарасидаги тасодифий хатоси энг кичик квадратлар усулида баҳоланди.

7-жадвалдаги маълумотларга қараганда, *o*-карбоксибензоилферроценнинг калийли тузининг 0,001 % ли эритмаси, ферроценкарбон кислотанинг калийли тузининг 0,0001 % ли эритмаси қолган препаратларга нисбатан биостимуляторлик хоссасини кучлироқ намоён этганлиги маълум бўлди. Ушбу моддалар МАКСИТ ҳамда МАКСИТ-1 шифри остида номланди

МАКСИТ деб номи берилган *o*-карбоксибензоилферроценнинг калийли тузига №IAP 05099 “Ўзани ўстирувчи стимулятор” номли патент олинган.

МАКСИТ-1 препаратининг 0,0001 % ли сувли эритмаси қолган препаратларнинг худди шундай фоизли эритмаларига нисбатан биостимуляторлик хоссасини намоён этди.

Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини лаборатория шароитида ўрганиш натижалари

Вариант№	Препарат номи	Эритма концентратсияси, %	Униш энергияси, %				Ўртача қиймат	Унувчанлик, %			
			Ўртача қиймат	Четланиш				Ўртача қиймат	Четланиш		
				Назоратга нисбаган	Эталон-1 га нисбаган	Эталон-2 га нисбаган			Назоратга нисбаган	Эталон-1 га нисбаган	Эталон-2 га нисбаган
1.	FcCOOLi	0,01	80±1,9	+2	-4	-2	88±1,8	+2	-2	-1	
		0,001	83±1,8	+5	-1	+1	91±1,9	+5	+1	+2	
		0,0001	82±2,2	+4	-2	0	89±2,1	+3	-1	0	
2.	FcCOONa	0,01	82±2,2	+4	-2	0	89±1,8	+3	-1	0	
		0,001	83±2,1	+5	-1	+1	90±2,2	+4	0	+1	
		0,0001	84±2,2	+6	0	+2	91±1,9	+5	+1	+2	
3.	FcCOOK	0,01	84±2,3	+6	0	+2	90±1,8	+4	0	+1	
		0,001	85±2,2	+7	+1	+3	91±2,2	+5	+1	+2	
		0,0001	90±2,1	+12	+6	+8	96±1,8	+10	+6	+7	
4.	Г ⁻ (<i>n</i> -оксифенил) FcCOOLi	0,01	84±2,0	+6	0	+2	90±2,1	+4	0	+1	
		0,001	83±2,2	+5	-1	+1	89±1,8	+3	-1	0	
		0,0001	82±2,0	+4	-2	0	88±2,2	+2	-2	-1	
5.	Г ⁻ (<i>n</i> -оксифенил) FcCOONa	0,01	83±2,3	+5	-1	+1	90±1,9	+4	0	+1	
		0,001	84±2,4	+6	0	+2	91±2,2	+5	+1	+2	
		0,0001	86±1,9	+8	+2	+4	92±1,9	+6	+2	+3	
6.	Г ⁻ (<i>n</i> -оксифенил) FcCOOK	0,01	85±2,0	+7	+1	+3	91±2,1	+5	+1	+2	
		0,001	86±2,2	+8	+2	+4	93±2,2	+7	+3	+4	
		0,0001	87±2,1	+9	+3	+5	93±1,9	+7	+3	+4	
7.	о-Карбокси бензоил ферроценил калий	0,01	84±2,4	+6	0	+2	90±1,9	+4	0	+1	
		0,001	86±2	+8	+2	+4	97±1,8	+11	+7	+8	
		0,0001	88±2,1	+10	+4	+6	92±2,0	+6	+2	+3	
8.	Г ⁻ (<i>n</i> -оксифенил) FcCOOLi ₂	0,01	85±2,0	+7	+1	+3	91±2,0	+5	+1	+2	
		0,001	84±2,3	+6	0	+2	90±1,9	+4	0	+1	
		0,0001	83±2,1	+5	-1	+1	89±2,1	+3	-1	0	
9.	Г ⁻ (<i>n</i> -оксифенил) FcCOONa ₂	0,01	84±2,2	+6	0	+2	91±2,0	+5	+1	+2	
		0,001	85±2,5	+7	+1	+3	92±2,3	+6	+2	+3	
		0,0001	87±2,0	+9	+3	+5	93±1,8	+7	+3	+4	
10.	Г ⁻ (<i>n</i> -оксифенил) FcCOOK ₂	0,01	86±2,1	+7	+2	+4	92±2,2	+6	+2	+3	
		0,001	87±2,0	+8	+3	+5	93±2,1	+7	+3	+4	
		0,0001	88±2,3	+10	+4	+6	94±2,0	+8	+4	+5	
11.	МИВАЛ (эталон-1)	0,0001	84±2,1	+6	0	+2	90±2,0	+4	0	+1	
12.	Қахрабо кислота (эталон-2)	0,0001	82±2,3	+4	-2	0	89±2,1	+3	-1	0	
13.	Назорат – Н ₂ О	-	78±2,4	0	-6	-4	86±2,2	0	-4	-3	

Препаратни ҳозирги кунда амалиётда қўлланиб келинаётган биостимуляторлар, Россияда ишлаб чиқилган “МИВАЛ”, Ўзбекистонда

ишлаб чиқилган “Ферростимулятор-1”, “Ферростимулятор-2”, “П-4” ва “АДУМАХ” биостимуляторлари билан таққосланди. Таққослаш учун олинган ва биостимуляторлик хоссаси текширилаётган МАКСИТ-1 препаратининг 0,0001 % ли сувли эритмалари тайёрланди. Уруғ намуналари олиш ва уни экиш сифатларини аниқлаш О’зДSt1128:2006 давлат стандарти талаблари бўйича бажарилди. Олинган натижалар 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Биологик фаол бирикмаларнинг уруғ унишига таъсири

№	Препаратлар номи	Эритма концен трацияси, %	Чигит сони	Сифат кўрсаткичлари			
				Униш энергияси %		Унувчанлик %	
				Тукли	Туксиз	Тукли	Туксиз
1.	Ферростимулятор-1	0,0001	100	85	87	91	92
2.	Ферростимулятор-2	0,0001	100	86	86	92	93
3.	АДУМАХ	0,0001	100	87	88	93	93
4.	П-4	0,0001	100	88	87	92	93
5.	МИВАЛ	0,0001	100	86	86	91	92
6.	МАКСИТ-1	0,0001	100	89	90	96	96
7.	Назорат – Н ₂ О	-	100	84	86	90	91

(Тажриба хатолиги ±2 % дан ошмайди).

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, МАКСИТ-1 препаратининг биостимуляторлик фаоллиги энг юқори эканлиги маълум бўлди.

Лаборатория шароитида бошқа биостимуляторларга нисбатан юқори унувчанликка эга бўлган МАКСИТ-1 препаратининг 0,0001% ли эритмаси дала амалиёти синовларидан ўтказилди. Тажрибалар Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги “Садоқат рамзи”, “Ойдин йўл”, Булоқбоши туманидаги “Эргаш омад ҳосили”, Улуғнор туманидаги “Собитхон Ота” фермер хўжаликлари пахта майдонларида 2013-2016 йиллар давомида синовлардан ўтказилди. Олинган натижалар 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Андижон вилояти фермер хўжаликларида 2013-2016 йилларда ўтказилган тажрибалар асосида олинган ўртача натижалар

№	Вариантлар	Чигит ларнинг униб чиқиши %	Кўчат қалинлиги, минг/га	Кўсак лар сони, дона	Очилган кўсаклар сони, дона	Бир дона кўсакдаги пахта вазни, г	Ўртача ҳосилдорлик ц/га	
1.	МАКСИТ-1	96	93,3	12,5	5,5	3,20995	37,6	
2.	НАЗОРАТ(сув)	92	92,3	11,2	3,7	3,0908	32,1	
3	МИВАЛ (эталон)	94	93	11,7	4,0	3,1119	33,8	
4.	Фа рк	Назоратга	+4	+1	+1,3	+1,8	+0,11915	+5,5
		Эталонга	+2	+0,3	0,8	1,5	0,09805	3,8

(Тажриба хатолиги ±2,5 % дан ошмайди).

Андижон вилоятида 160 гектар гўза майдонларида МАКСИТ-1 биостимулятори қўлланилганда, иқтисодий самарадорлик ҳар бир гектар майдондан 612500 сўм, жами 98 000 000 сўм фойда олинди.

Жуда кўп товарларнинг ТИФ ТН кодлари тўғри белгиланишида мезон кўрсаткичи сифатида товарларнинг кимёвий таркиби асос қилинган.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан таклиф этилган “Товарлар кимёси” фани товарлар кимёсининг жадал суръатлар билан ривожланишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда бу фан бўйича дунёнинг бир қатор мамлакатларида кенг қамровли тадқиқот ишлари олиб борилаётгани товарлар учун уларнинг кимёвий таркиби асосида тегишли товар кодларини тўғри белгилаш иқтисодий муносабатларда юзага келаётган кўплаб муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ферроцен ҳосилаларининг сони кун сайин ортиб, ушбу бирикмалар турли хил мақсадларда фойдаланиб келинмоқда. Жумладан ферроценкарбон кислотанинг кўплаб ҳосилалари синтез қилинган ва амалда қўллашга тавсия этилган бўлиб, ҳозирги кунда уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш, ТИФ ТН бўйича тегишли код рақамлари бериш, ферроцен ҳосилалари тутувчи товарлар учун тавсия этилган код рақамларини амалиётга жорий этиш фан доирасида муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Синтез қилиб олинган сувда эрувчан ферроценкарбон кислотанинг ҳосилаларини кимёвий таркиби асосида синфлаб, уларга ТИФ ТН бўйича код рақамлари берилиши мақсадга мувофиқдир. Таклиф этилаётган ТИФ ТН код рақамлари 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Ўстирувчи моддаларнинг амалда қўлланилаётган ва таклиф этилаётган ТИФ ТН код рақамлари

Амалда қўлланилаётган ТИФ ТН код рақамлари		Таклиф этилаётган ТИФ ТН код рақамлари	
ТИФ ТН коди	Позицияга изоҳ	ТИФ ТН коди	Позицияга изоҳ
3808 93	— — гербидцидлар, ўсимликларнинг ўсишини тўхтатувчи ва ўстирувчи воситалар	3808 93	— —
3808 93 900 0	— — — ўстирувчи воситалар	3808 93 900 0	— — — ўстирувчи воситалар
		3808 93 900 1	— — — — ферроценкарбон кислотанинг сувда эрувчан ҳосилалари
		3808 93 900 2	— — — — ферроценнинг сувда эрувчан ароматик ҳосилалари
		3808 93 900 9	— — — — бошқалар

Диссертациянинг «Кимёвий бирикмалар синтези ва биологик фаоллигини ўрганиш (экспериментал қисм)» деб номланган учинчи бобида ацетилферроцен ва ферроценкарбон кислотани, ферроценкарбон кислотанинг сувда эрувчан, 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислотани ва унинг моно ва диалмашинган, *o*-карбоксибензоилферроценнинг калийли сувда эрувчан ҳосилалари олиниш усуллари, синтез қилинган кислоталар миқдорини ацидиметрик титрлаш йўли билан аниқлаш, ажратиб олинган бирикмаларнинг айрим физик-кимёвий хоссалари аниқланган. Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини ўрганиш, МАКСИТ-1 нинг биостимуляторлик фаоллигини ихтисослашган лабораторияда синовдан ўтказиш, фермер хўжаликлари пахта майдонларида ўтказилган дала амалиёти тажрибалари баёни келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

“Ферроценкарбон кислотанинг айрим ҳосилалари синтези ва уларни синфлаш” мавзусидаги диссертация бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ацетилферроценни олиниш усули такомиллаштирилиб, температурани 4-5°C, вақтни 5 минут ва катализатор миқдорини 1,5 баробарга ошириш натижасида реакция унумини ўртача 5% га оширишга эришилади.

2. Ферроценкарбон кислота синтез қилишнинг янги усули ишлаб чиқилди, натижада маҳсулот унумини 1,5 баробар оширишга эришилади.

3. Ферроценкарбон кислотани *n*-аминофенол билан диазотирлаш реакцияси орқали 1`-(*n*-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтез қилинди ва унинг тузилиши физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботланди.

4. Ферроценкарбон кислота асосида 8 та янги модда синтез қилинди. Олинган моддаларнинг таркиби ва тузилиши таҳлил қилинди, моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари препаратив анализ усуллари ёрдамида тавсиф этилди.

5. “МАКСИТ-1” биостимулятори ишлаб чиқилди. Ушбу биостимуляторни қўллаш технологияси 2013-2016 йиллар давомида Андижон вилоятида амалиётда жами 160 гектардан ортиқ ғўза майдонларида дала синовларидан ўтказилиб ҳосилдорликни ўртача 4-5,5 ц оширишга эришилди. Бу технологияларни оммалаштириш тавсия этилди.

6. МАКСИТ-1 биостимуляторини амалиётда қўллаб, ҳар гектар майдондан 612500 сўм, жами 98 000 000 сўм фойда олинади.

7. Синтез қилинган ферроценкарбон кислотанинг ҳосилаларини кимёвий таркиби асосида синфлаб, уларга ТИФ ТН бўйича ферроценкарбон кислотани сувда эрувчан ҳосилалари учун 3808939001 код рақами, ферроценнинг сувда эрувчан ароматик ҳосилалари учун 3808939002 код рақамлари тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.27.06.2017.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУЛАКОВ НУРИЛЛА КАСИМОВИЧ

**СИНТЕЗ НЕКОТОРЫХ ПРОИЗВОДНЫХ ФЕРРОЦЕНКАРБОНОВОЙ
КИСЛОТЫ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**

02.00.09 – Химия товаров

**АВТОРЕФЕРАТ СТАТЬИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером _____

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Аскарлов Иброхим Рахмонович
Доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримкулов Курбонкул Мавлонкулович
Доктор технических наук, профессор

Дехконов Рахматилла Султанович
Кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится « _____ » _____ 2018 года в ____ часов. на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.K.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № _____). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91), alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: « _____ » _____ 2018 года.
(№ реестра протокола рассылки _____ от « _____ » _____ 2018 года.)

Худжаев В.У.

Председатель Научного совета,
по присуждению ученых степеней,
д.х.н.

Мамажонов. Ш.А.

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.пед.н., доцент

Абдугафуров И.А.

Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению научных степеней,
д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире растет потребность к продукциям сельского хозяйства. В результате климатических изменений возникают ряд трудностей в выращивании посевов. Эффективное использование в сельском хозяйстве биостимуляторов благоприятно влияющих на рост и развитие растений даст возможности решения данных проблем. В настоящее время синтез новых биологически активных веществ, отвечающих современным требованиям и их внедрение в практику является одним из актуальных проблем.

В мире особое внимание уделяется синтезированию химических соединений, благоприятно влияющих на рост и развитие сельскохозяйственных растений, расширению их сферы действия. Это показывает необходимость проведения синтеза соединений, используя доступное сырье. Особенно, синтез новых биостимуляторов на основе соединений, содержащих в своем составе кобальт, марганец, железо, медь, цинк и другие микроэлементы, изучение их биологической активности с химической и биологической сторон имеет важное значение. Исходя из этого, синтез и внедрение в практику новых биологически активных соединений для сельскохозяйственных растений на основе ферроценкарбоновой кислоты имеет важное научное и практическое значение.

В нашей Республике проведены широкие исследования по синтезу химических препаратов, применяемых в сельском хозяйстве, уделяется особое внимание созданию препаратов, повышающих урожайность и используемых в борьбе с вредителями растений. В Стратегии развития Республики Узбекистан отмечены задачи «углубления структурных изменений и последовательного развития сельскохозяйственного производства, дальнейшего укрепления продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, существенного увеличения экспортного потенциала аграрного сектора». Исходя из этих задач, синтезирование нового поколения биостимуляторов на основе ферроценкарбоновой кислоты, организация научно-исследовательских работ, направленных на разработку новых товарных кодов для этих биостимуляторов по товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности, имеет важное значение.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению поставленных задач в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 17 февраля 2017 года «Об утверждении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2884 «О мерах развития структуры управления АО Узкимёсаноат» от 12 апреля 2017 года и в других нормативно-правовых документах.

¹Указ Президента Республики Узбекистан №4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Ферроцен впервые синтезирован П.Посоном и Т.Кили в 1951 году. В дальнейшем, ученых привлекли уникальные физико-химические свойства ферроцена, и в таких странах как США, Великобритания, Россия, Германия, Япония проведены всесторонние исследования. Такие ученые, как А.Н.Несмеянов, В.А.Сазонова, Н.С.Кочеткова, Р.Б.Материкова, Э.Г.Перевалова, А.М.Полякова, К.И.Грандберг, М.Д.Решетова, Д.Н.Курсанов, В.И.Сеткина в Институте химии элементоорганических соединений (ИНЭОС) АН России, Р.Б.Вудворд, Д.Уайтинг в США, Д.Уилкинсон в Великобритании, Г.Шмитт, С.Озман, Э.Фишер, С.А.Шлэгль в Германии, М.Лакан и В.Рапис в бывшей Югославии, Т.Кондо в Японии, С.Калур, С.Тома в Италии синтезировали различные производные ферроцена.

В Узбекистане по химии ферроцена проведены научные исследования, требующие внимания, учёными А.Г.Махсумовым, И.Р.Аскарковым и другими.

В научной литературе приведены результаты работ по получению биологически активных веществ, внедрению биостимуляторных свойств полученных веществ на основе водорастворимых и ароматических производных ферроцена, однако ароматические соединения, содержащие ферроценкарбоновую кислоту, и синтез их водорастворимых производных мало изучены и они не классифицированы по химическому составу.

Поэтому осуществление синтеза водорастворимых и ароматических соединений ферроценкарбоновой кислоты, изучение их свойств с помощью физико-химических методов, классификация на основе химического состава, присвоение соответствующих товарных кодов по ТН ВЭД, внедрение в практику рекомендованных товарных кодов для производных ферроцена имеет важное научно-практическое значение.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательского направления «Биологически активные вещества, синтезированные на основе ферроцена и его производных, их классификация на основе химического состава» Андижанского государственного университета.

Целью исследования являются усовершенствование способов получения ацетилферроцена и ферроценкарбоновой кислоты, синтез некоторых биологически активных производных ферроценкарбоновой кислоты и классификация их на основе химического состава.

Задачи исследования:

усовершенствование способов получения ацетилферроцена;
разработка нового метода получения ферроценкарбоновой кислоты;

осуществление синтеза ароматического производного ферроценкарбоновой кислоты на основе реакции diazotирования *p*-ферроценилфенола;

осуществление синтеза некоторых водорастворимых производных ферроценкарбоновой кислоты и *o*-карбоксивензоилферроцена и их выделение;

